

ҚОН ҚҮЮҚЛАШИШИННИНГ ДАСТЛАБКИ БЕЛГИЛАРИ ВА САБАЛЛАРИ.

*Нуруллаева Рухшона Абдугоффоровна, Тураева Умидा Шакаровна,
Ўроқов Шерозжон Шокирович*

(Самарканд давлат тиббиёт университети талабаси)

Илмий раҳбар:

Мусаев Обид Сайдалиевич.

Аннотация: Ушбу мақола инсон танасидаги қоннинг қуюлашиш сабаблари ва унинг бошлангич белгилари, қоннинг суюлтиришнинг бир қанча усуллари хакида тавсиялар келтирилган.

Калит сузлар: плазма, ҳужайралар, қон танаачалари, моддалар, кислород, Қон томир, инфаркт ёки инсулт, глюкоза ёки натри хлорид, галит минерали, тромбопол, тромбоаст, муҳим ноорганик компонент.

Кириш: Эътибор бериб қарайдиган бўлсак хозирги пайтларда ёши 50 га бормаган одамлар ўртасида юрак хасталиги билан оламдан ўтибди деган гапларни эшитамиз ва хайратга тушамиз. Бундай одамларни иш фаолиятига қарасак бир жойда ўтириб ишловчи ёки кам харакат қилувчи касп эгалари бўлиб чиқади. Бундай хасталикларни пайдо бўлиши устига- устак соглом турмуш тарзига амал қилмаслик эканлигини қўрамиз. Ишни биринчи ўринга қўйиб уйим жойим деб ўзида қузатилаётган хасталик белгиларини сезсада эътибор бермай келаётган оддий одамлар орасида бундай нохуш холатлар афсуски тез тез учраб турибди. Организимда қоннинг қуюклашиб кетиши ва бу холатга беэътибор бўлаётган айрим кишилар ўз тенгдошларига нисбатан эрта оламдан ўтиб қоладиган холатларни қурамиз. Биз ушбу мақоламизда қоннинг қуюклашиш сабаблари ва қонни қандай қилиб ўз танамизда безарар усуллар орқали суюклаштириш йўлларини айтиб ўтамиз.

Юқорида айтиб ўтганимиздек бундай хасталикларини негизида организмимизда қон айланишни бузулиши ётади. Мия ва юрак ўзларига керакли қонни ололмай қолиб, тусатдан улим юзага чикади. Мисол учун сиз қон олдирганингизда ёки анализ учун қон топширганингизда қонингиз қуюк экан, анча қорайиб кетибди деган гапларни эшитамиз. Бу гапда хам жон бор, сабаби

қон 60% плазмадан иборат. Бу сарғиш-оқ суюқлик бўлиб, уўз навбатида асосан сувдан, шунингдек турли хил оқсиллар, тузлар, микроелементлар ва витаминалардан иборат. Қоннинг тахминан 40% ҳужайралардан иборат бўлиб, улар қон ҳужайралари ёки қон ҳужайралари деб аталади. Қон танаачаларининг тўқ қизил тусга кириши хам мана шунда Танаачалар бир бировига якин жойлашса улар тўқ қизил тусга кириб харакатланиши секинлашади ва аксинча қон танаачалари бир- бировидан узок жойлашса қоннинг ранги узгаради, бу эса қоннинг танада харакатланиши яхшиланади дегани. Қоннинг икки хил тусда булишлигига сувнинг ўрни мухумдир. Сувнинг нима учун камайиб кетишилигини кўриб ўтамиз. Қон томирда айланиши учун коннинг сув кисми булади. Юкорида айтиб ўтдик плазма деб оддий тил билан айтганда қоннинг суви. Тасаввур қилинг юрак қонни узидағи жараёндан ўтказиб инсон танасидаги бир қанча органларга етказиб бериши керак. Айтайлик буйрак , жигар ёки миянгизга.

Қон тананинг бундай органларига борганда узи билан озуқа моддалари ва кислородни олиб бориб беради. Юрак ишлаш жараёнида қон қуюқлашган бўлса, юрак маълум миқдорда босим билан ишлайди.Чунки бечора юрак қийналсамда қонни керакли жойга вактида етказиб берай деб харакат қиласди.

Демак юрак босим билан ишлайди, бу вактда томирлар хам ёш ўтган сайин деворлари зайдифлашади натижада қуюқ қон эластиклиги йўқолиб бораётган қон томири уртасида мувозанат бузилиб қон босими кўтарилади (томир ичида қон харакатланиши ёмонлашади).

Натижада тана аъзолари жигарми ёки буйракми яхши ишламайди сабаби унга маълум керакли суюқ қон ва у билан келадиган озуқа ва кислород миқдори кам бўлганлиги сабаб инсон танасидаги барча органларнинг ишлаш фаолияти ёмонлашади. Қонни қуюқлашганлигидан дарак берувчи асосий белгиларни айтиб утамиз.Қон доим қуюқлашиб танада оқадиган бўлса, энг асосий иккита асоратни биламиз.

Биринчиси юрак хуружи, инфарк тусатдан улим ёки инсулт мияга қон бормай қолиши ёки кон томир ёрилиб мия ҳужайраларини улдириш окибатда инсултдан кейин ногирон бўлиб қолади ёки ўлим холати юзага келади.

Танамиздаги қоннинг қуюқлашганлигини билсак албатта унинг суюлтириш чораларини кўриш талаб этилади. Қон қуюқлашишининг белгилари, бармок ва

оёкларимиз увишиб қолиши, бир жойда купроқ ўтириб қолсак , турган пайтимизда буни узимизда кузатишими мүмкін. Бу танада қон айланишнинг бузилишининг биринчи белгиси хисобланади. Иккінчіси оёқ ва қўл учлари бармоқларни музлаши. Бу холат қулоқнинг юмшоқ қисмida ва бурун учларида хам кузатишими мүмкін. Шу билан бирга тананинг юқорида айтилган қисимлари қулоқнинг юмшоқ қисми, бурун учлари ва лабларда тананинг ранги хам узгарган холатни куришимиз мүмкін. Учинчи белги юрак қуюқ конни хайдаш жараёнида зуриқиши хосил бўлиб маълум вақт ораликларида оғриқ хосил бўлиб юракни уриши бузилиши кузатилади. Юқорида кайт этилган қонни қуюқлашиш белгиларидан бирортасини сезгудек булсак албатта қонни қуюқлашишини текшириш учун лабораторияга қон ивиш тести тахлини топшириш керак бўлади. Қонни қуюқлашиш белгиларидан яна бири холсизланиш, тез чарчаб қолиши ва уйкучанликдир. Айтайлик кўп каватли уйларга чиқиши пайтида зиналардан қўтарилиш давомида юракни тез-тез уриши, чарчаб қолиши ва нафас олишга қийналишимиз бу қонни қуюқлашиб кислорд миқдорининг камлиги белгисидир. Кўпчиликда кузатиш мүмкін, ёшидан қатъий назар юракни тез уриши, қуюқлашган конни танага етказиш учун юракни зуриқиши натижасида тахикардия холати вужудга келиши мүмкін. Одатда бир дақиқада 70 дан 78 гача нормада юрак уриши кузатилади. Қонни қуюқлашиши наижасида бир дақиқада 90-95,100 марта уриши, юракни кучли босим остида ишлаётганидан дарак беради.

Юрак уришини улчаб курсак дақиқасига 80 дан юкори эканлигини кўрамиз. Бунинг наижасида юқорида айтганимиздек инфарк ёки инсульт холатлари юзага келиши мүмкін. Яна шундай холатни кузатиш мүмкін, қорин оч қолган пайтда овқатланиш жараёнида бош айланиши ва танадан муздек тер чикиши хам қонни қуюқлашганидан дарак белади. Кейинги навбатда албатта қон қуюқлашганда қон босим ошади. Қонни ичидаги зичлик ортиб бориш наижасида қон томир деворларига берилаётган босим, қон босимнинг кутарилиши билан номоён бўлади. Диккатлироқ эътибор берадиган булсак айрим кишиларда эснаш холатларини кузатамиз. Бу белги мияга кислород етишмаётганлиги билан қон қуюқлашганлиги белгисидир. Бундай кишиларда жizzакилик, асабийлашиш ва қуполлик белгилари хам кузатилади.

Хуш қонни суюлтириш учун кандай дори дармонлардан фойдаланиш максадга муофик.

Албатта қонни суюлтириш учун суюклик керак. Бу сув ичиш дегани эмас. Бу 500мл сигимдаги тузли эритма (физ раствор) си, глюкоза ёки натри хлорид эритмаси. Натрий хлорид (NaCl) - хлорид кислотанинг натрий тузи. Кундалик ҳаётда "стол тузи" номи остида маълум бўлиб, унинг асосий компоненти ҳисобланади. Натрий хлорид денгиз сувида жуда кўп микдорда мавжуд . У табиатда галит минерали (тош тузи) шаклида учрайди. Соф натрий хлорид рангиз кристаллдир, аммо турли хил аралашмалар билан унинг ранги кўк, бинафша, пушти, сариқ ёки кулранг рангга эга бўлиши мумкин.

Натрий хлорид қон плазмаси ва тана суюқликларида (контцентрацияси таҳминан 0,9%) мавжуд бўлиб, қон плазмаси ва ҳужайрадан ташқари суюқликнинг тегишли осмотик босимини сақлайдиган энг муҳим ноорганик компонент ҳисобланади.

Бу эритма қон томир деворлари орқали қонга қўшилгач қуюклашган қонни суюклашиши тезлашади. Агарда бу эритмаларни олиш пайтида эритма таркибига 2мл битта ампула витамин “С” ни қушсак қон томир деворларининг эластиклигини яхшилайди ва бу айтиб утилган инсулт ва инфрукни олди олинган булади. Қон қуюқлашиши дегани қон танаҷаларининг бир-бирига ёпишиб қон томир деворига тикилиши тромп деб аталади. Қонни суюлтирадиган бир канча таблетка шаклидаги дарилар мовжуд. Булар тромбопол, трамбоаст ёки кардиомагнил ва бошка дори турлари бўлиб қонни суюлтиришга хизмат килсада қоннинг суюлиши жуда қийин токи қонга юкорида айтилган эритмалар кирмагунча. Лекин бу дорилар ошқозондан қонга сурилгунча маълум муддат керак булади. Яхшиси қонни суюлтириш учун тузли эритмалар мақул деб ҳисоблаймиз. Буларни олиш жараёнида қўшимча тарзда юкорида номлари айтилган тромбопол, тромбоаст ва бошкалар дориларга караганда оддий ацетилсалиц кислота таблеткасини олиб, ушани тўрт бўлакка бўлиб, хар хафта бир бўлагини тилни тагига ташлаб шимиб сув қилиб ўтказиб юборсак овқатдан кейин бу эса қон айланишни яхшиланишига кумаклашади. Савол тугилиши мумкин качонгача дориниичид юриш мумкин деб ? Ацетилсалиц кислотанинг туртдан бир кисми қон танаҷаларининг ичида бир хафтагача уз кучини сақлаб

туради. Демак уни хар куни ичишдан максад йук. Агарда хар куни бундай дориларни ичиб юрсак ёмон окибатларга олиб келиши мумкин. Қонни суюлтиришни юзлаб усулари бўлиб буларни биз онгли равишда ҳис килиб унга қарши курашиб туришимиз керак.

Шулардан энг оддиси бир таблетка аскарбин кислотасини 300 г сувга солиб хафтада бир маротаба авқақдан кейин ёки овқатланиш пайтида ичиш тавсия этилади. Бу майда қон томир деворларини ёрилиб кетиш хавфини олдини олади. Қон танаачаларини бир бировига ёпишиб қолмаслиги учун авқатланиш рационига амал қилиш керак бўлади. Бунинг учун хам жуда кўплаб тавсиялар бўлиб, улардан айримларини сизга ёритиб ўтамиз. Авқатланиш рационимизда пиёз ва саримсок пиёзи кўп бўлсин. Бу эса пиёз таркибидаги элементлар қон танаачаларини бир бировига ёпишиш эхтимолини камайтиради.

Биз юқорида айтиб ўтганимиздек қоннинг қуюқлашиш белгилари ва уларни бартараф килиш усулларини айтиб утдик. Биз айтиб ўтган амалларга риоя қилиб соглом турмуш тарзига амал килсак жамиятни асраган бўламиз. Жамиятга соглом инсонлар зарур.

Натижা: Навбатдаги белгилардан бири кўздаги намликни камайиши, оғиз бушлигига намликни пасайиши билан номоён бўлиб, бу холатда эса чанкаш кузатилади. Сахрни текширтирсак яхши, лекин оғиз куриб туради яъни чанкаймиз. Бу хам қонни қуюқлашганидан дарак хисобланади. Кейинги ўринда сурункали касаллиги бор одамларда яъни жигар, ошқозон ёки қандли диабети бор бўлса юқорида айтиб ўтилган белгиларни афсуски доимий ёки иккита, ичтаси балким барчаси бўлиши мумкин. Улар ўз ўрнида асоай негизидаги касалликни даволашади.

Хулоса: Кон қуюқлашишининг асосий белгиларини англаган холда шифокорга мурожаат килишимиз керак. Акс холда ёмон окибатларга олиб келиши мукаррар. Жиддий касаллиги йўқ кишилар эса юкорида айтиб ўтилган белгилардан бирортасини сезгудек бўлса, оиласвий врач куригидан ўтиб қонни суюлтириш чораларини кўриш тавсия этилади.

Адабиётлар:

1. Гостищев, В. Клиническая оперативная гнойная хирургия / В. Гостищев. - М.: Гэотар-Медиа, 2016. - 448 с.
2. Бенсман, В.М. Хирургия гноино-некротических осложнений диабетической стопы.: Руководство для врачей. 2-е перераб. Доп / В.М. Бенсман. - М.: Медпрактика, 2015. - 496 с.
3. Гостищев, В. Клиническая оперативная гнойная хирургия / В. Гостищев. - М.: Гэотар-Медиа, 2016. - 448 с.
4. Загрядский, Е. Малоинвазивная хирургия геморроидальной болезни / Е. Загрядский. - М.: Гэотар-Медиа, 2017. - 224 с.